

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Сардор СОАТОВ – ДСМИ магистранти

Бутунги куннинг долзарб ва эътиборга молик масалаларидан бири касбий масъулият масаласидир. Касбий масъулият хисси нафакат касбга садоқат ва меҳрин, балки мутахассилик бўйича салоҳиятли бўлишни талаб этади. Касб масъулияти ва салоҳияти ҳақида буюк мутафаккирларимиздан бири Алишер Навоийнинг қимматли фикрлари бутунги кунда ҳам аҳамиятлидир. Биз Навоийнинг келажак авлодга қолдирган буюк маънавий меросини таҳлил ва тадқиқ қилар эканмиз бу чексиз уммон эканлигини англаб етамиз. У яратган асарлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олганлиги учун унда фойдаланиш осон ва самаралидир.

Жумладан, умрининг сўнгги (1500-1501) йилларида ёзилган йирик насрий асари “Маҳбуб ул-қулуб” унинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва ҳулосалари йиғиндисидир.

Навоий бу асарни яратишдан кўзлаган мақсади ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: “... болаликдан то қариликка қалар кўҳна даврон воқеалардан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна кўзгатувчи дунё буқаланмулиғидан – товламачилигидан замоннинг ранг сингари гуногушгидан кўп вақт ва узок муддат ҳар хил ҳаёл ва тараддудлар билан дайдиб юрдим, ҳар товур ва ранишда бўлдим ва турли йўللарга кирдим, яхши ёмоннинг хизматини қилдим, қатга-кичикнинг суҳбатида бўлдим, гоҳ хўрлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳ оизат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим...”¹

Асарда турли хил касблар тўғрисида, жумладан, табиблар, деҳқонлар, мунажжимлар, савдогарлар, ўқитувчилар, қотиблар ва шу қаби 40 дан ортиқ касб ва ҳунарлар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилади. Хусусан, табиблар тўғрисида шундай фикр юритади: – “Табиб ўз касбининг моҳир билимдони бўлиши; беморларга раҳм-шавқат билан муомалада бўлиши; асли тиб илмида табиати келишмоғи; донишмандлар сўзига режа қилиб, уларга эргашмоғи; мулоим сўз ва бемор кўнглини қўтарувчи, андишали, хушфёъл бўлмоғи керак. Ўткир ва шавқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиш бўлса, табибнинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир. Бундай табибнинг юзи хасталар кўнглига севимлидир, сўзи эса беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморга даво; ҳар қадами эса, хасталарга шифодир. Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади. Табиб агар, ўз касбида моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфёъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам, бари-бир унинг мижозиди ўзгариш пайдо қила олмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди қабидир.”²

Навоийнинг яна бир мулоҳазаси савдогарлар ҳақида бўлиб, у савдогарнинг фақат ўз фойдасини ўйламаслиги, ўзини турли машаққатларга қўймаслиги, савдо қилиб фойда топаман деб, денгизга кема сурмаслиги, дур оламан деб, наҳанг

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ҳан, 1998.

² Ўша манба.

огзига қўл солмаслиги; мол ва пул кўпайтираман деб, жонсарақ бўлмаслиги кераклиги ҳусусида фойдали фикрлар келтирилган.

Шунингдек, савдогар сафарда юраркан, азиз, улуг ва доно кишиларни топиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлишни ҳам ўзига ният қилиб олишлари кераклигини таъкидлайди. Таълим-тарбия тўғрисида фикр юритиб, ўқитувчилар борасида шундай дейди: – “Мактабдор домла гуноҳсиз бечораларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблаш ва қалтаклашга ўрганган; ўзи раҳмсиз; мияси пўлатдан, кўнгли эса тош қабидир. Ғазабдан қоши чимирилган, гуноҳсизлар билан аччиқланишга одатланган. Улардаги кўриниб турган қўполлик ёш болалардаги келишмаган хатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эғовдир. Уларнинг иши одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Лекин инсоф билан айтганда ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса, бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлар бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Агар шогирд улгайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллук қилса арзийди”.¹

Навоийнинг котиблар тўғрисидаги куйида келтирилган фикрини дастурул амал сифатида ҳар бир инсон ёд олмоғи зарурдир: “Котиб шонрлар шеъри билан вароқни безовчи ва сўз ҳазинасининг ҳазинасидир. Яхши ёзилган хат ва хатга қўйилган нукталар чиройлиқлар юзига гўзаллик бахш этган ҳолдек оқ қоғоз жамолини безайди. Чиройли хати бор котиб сўзга оро беради ва сўзлагувчига роҳат бағишлайди. Агар хат битувчи хаттот тўғри ёзса, унинг битгани тўғрилар кўнглига сўзсиз мақбул бўлади. Агар ёзув шакли чиройли ва тўғри бўлмаса билимли кишини ташвишга солади. Хати ёмонлиги устига яна беҳисоб галат ва хатоларга йўл қўйишлик, қари кишининг соқол бўйлаб, масҳара бўлгани қабидир”.

Шу қадар аниқ ва мазмундор қилиб берилган ўғитлар, чиройли баён қилинган мулоҳазалар Навоийнинг касбий масъулият борасидаги юксак маънавиятини кўрсатади. Унинг касб-хунар ҳақидаги фикрларидан мисоллар келтирар эканмиз мулоҳазаларимиз натижасида шунини эътироф этамизки, унинг ҳар бир асарида инсонни қомилликка ундовчи ғоялар мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланган ҳолда ҳар бир шахс ўз ҳаёт йўлини аниқ белгилаб олиши муқаррар.

Касбий масъулият юзасидан ўз билимларимизни ошириш мақсадида буюк мутафаккир алломаларимизни бизга қолдирган илму-уммонини хижжалаб ўрганиш орқали қамолот поғоналарини эгаллаш, юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги куннинг долзарб ва эътиборга молик масалаларидан биридир. Касбий масъулият ҳиссини ҳар биримиз қалбани ҳис қилмоғимиз зарур.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ҷан, 1998.